2005 YIL 29 IYUL, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 91-92. (6.929). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА:



Ислоҳотлар самараси

(1,4-саҳифаларда)

Тақдирга тан бермаган Зебо

(5-саҳифада)



“Кўзларим йўлингга нигорон...”

(1, 6-саҳифаларда)

# Оқсаройда қабул

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июл куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Марк Перрен де Бришамбони қабул қилди.***

Франция Мудофаа вазирлигида сиёсий маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатиб келган бу дипломат ўтган ойнинг бошида ЕХҲТ Бош котиби этиб тайинланди. У Франциянинг ЕХҲТдаги элчиси вазифасида ҳам ишлаган.

Мамлакатимиз раҳбари Марк де Бришамбони янги лавозимга тайинланиши муносабати билан қутлади. Бош котибнинг Ўзбекистонга ташрифи нафақат унинг ўзи, балки бутун ЕХҲТ раҳбариятининг мамлакатимиз ва минтақамиз билан яқинроқ танишиши учун қулай имконият яратишини таъкидлади.

Маълумки, ЕХҲТнинг амалдаги раиси ҳар йили ўзгариб туради. Раис ташкилотга аъзо мамлакатлар бўйлаб сафар доирасида Ўзбекистонда ҳам бўлади ва ҳар сафар уни бу ердаги вазият билан батафсил таништиришга тўғри келади. Шу тариқа бевосита амалий ҳамкорликдан кўра мулоқотларга кўп вақт сарфланади. Бу эса ташкилотни мавжуд воқеликка мослаштириш зарурати борлигидан яна бир далолат.

Ўзбекистон ЕХҲТга 1992 йилнинг январидан аъзо. Тошкентда унинг маркази фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик уч асосий - ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсоний йўналишга эга.

Сўнгги вақтларда ЕХҲТ чегаралар хавфсизлигини таъминлашга, қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, террорчиликни молиялаштиришнинг олдини олишга доир лойиҳаларга, суд-ҳуқуқ тизими идоралари ходимлари ва чегарачиларни ўқитишга, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам кўрсатишга оид масалаларга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда ЕХҲТ билан иқтисодий-экологик ҳамкорлик доирасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аёллар ва ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини ҳосил қилиш, сайёҳликни ривожлантиришга оид лойиҳалар, шунингдек, «Маҳалла ва атроф-муҳит муҳофазаси» дастури амалга оширилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ муносабатларига, жумладан, иқтисодиёт, экология, таълим каби соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга, хавфсизликни мустаҳкамлашда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**



Гулистон шаҳрида янги сув спорти мажмуаси бунёд этилганидан, айниқса, спортсеварлар жуда мамнун. 7500 квадрат метрни ташкил қилувчи, 10 минг куб метр сув сиғимига эга бўлган бу йирик замонавий мажмуа ҳар куни спортчилар, сув спорти ишқибозлари билан гавжум бўлмоқда.

СУРАТДА: сув спорти мажмуасидан лавҳалар.

**Рефат ЖАПАРОВ олган сурат.**

# Мустақиллик иншоотлари





# Халқни бунёдкорлик улуғлайди

***Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги нишонланадиган санага саноқли кунлар қолди. Истиқлол айёми арафасида мамлакатимизда янги иншоотлар, замонавий кўприклар, равон йўллар, муҳташам иморатларни ишга тушириш яхши анъанага айланган.***

Бу йил ҳам пойтахтимиз Тошкентда қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишлари авжида. Шундай кенг кўламли қурилиш ишлари Чорсу ва унга туташ Эски Жўва майдонида жадал давом этмоқда.

Эски Жўванинг Сағбон, Зарқайнар ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойида икки бино - Болалар бадиий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси қад ростламоқда.

27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ерда бўлиб, амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Болалар бадиий ижодиёти уйининг қурилиши жорий йилнинг 1 июнида бошланган. Президент уч қаватли ушбу бинодан жой оладиган эстрада-вокал студияси, киностудия, компьютер синфи, бадиий каштa ва зардўзлик тўгараги, миниатюра тўгараги, тасвирий санъат студияси, кутубхона ва мажлислар зали учун мўлжалланган хоналарни кўздан кечирди.

Бинонинг томидан томоша майдончаси ўрин олади. Бу ердан шаҳарнинг кафтдагидек яққол кўриниб туриши ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига ҳайрат ва қувонч бағишлаши табиий.

- Бу жой Тошкентнинг қоқ марказидир, - деди Ислом Каримов. - Томоша майдончасининг тўрт томонига байроқлар ўрнатиш лозим. Бундан мақсад бу ерга томошага кўтарилган ҳар бир одам ўзини наинки пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг марказида турганини ҳис этсин.

Давлатимиз раҳбари меъмор ва қурувчиларга бинони безашда аждодларимизнинг қадимий анъаналарига таяниб иш тутиш, хусусан, унинг гумбаз ва пештоқларини Амир Темур мақбараси ҳамда Тиллакори мадрасасининг меъморий ечимидан келиб чиққан ҳолда такомилига етказиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Президентимиз шуни таъкидладики, қурилиш ишларида, аввало, шу яқин-атрофда истиқомат қиладиган кишиларнинг, бунёдкорлик ишларини катта қизиқиш ва эътибор билан кузатиб келаётган, ўзларини ана шу ўзгаришларга дахлдор деб биладиган одамларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш аҳамиятга эга. Зеро, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, биринчи навбатда, ҳамюртларимизнинг ҳаётини яхшилаш, кайфиятини кўтариш, уларда ўз юрти учун ғурур ва ифтихор, ўз кучига ишонч туйғуларини юксалтиришдек улуғ мақсадларга қаратилгандир.

Мамлакатимиз раҳбари Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида жойлашган «Наврўз» саҳна мажмуида амалга оширилаётган реконструкция ишларини ҳам кўздан кечирди. Ушбу мажмуа улкан саҳна, металл конструкцияли минбар ва қарийб 10 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар, ёритиш минораларидан иборат.

Ислом Каримов ушбу саҳна санъаткорларнинг чиқишлари учун қулай бўлиши, уни ёғингарчилик мавсумида авайлаб-асраш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимиз Бешёғоч майдонида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва сифати билан ҳам қизиқди.

(Давоми 2-бетда)

# Байрамлар шаҳрига айланар...

***Миллий маънавиятимиз, аждодларимизнинг буюк тафаккури, Ватан тимсоллари бўлган улуғ бобокалонларимиз, кўҳна шаҳарларимизу бебаҳо ёдгорликларимизни эъзозлаш, уларнинг юбилей тантаналарини кенг нишонлаш Истиқлол туфайли ажойиб анъанага айланди.***

Бундай тадбирларнинг мазмун-моҳияти жуда теран. Зеро, аждодлар заковати озод давримиз руҳида қайта жонланади, ободонлаштириш, таъмирлаш, бунёдкорлик ишлари шаҳарларга янгича кўрк бағишлайди, замонавий қулайликлар яратилади.

Куни кеча Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган “Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори яна шундай хайрли ва кенг кўламли тадбирлардан бири амалга оширилишини, қадимий Қарши шаҳри тез орада тантанавор байрамлар шукуҳига тўлишини ифодалаб турибди. Айниқса, бу қарордаги “Ташкилий қўмита Қашқадарё воҳаси, хусусан, Қарши шаҳрининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат

### ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

қиладиган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида амалга оширилишига алоҳида аҳамият берсин” деган жумлаларда ёрқин акс этаётгани Ватанимиз гуллаб-яшнашини истаган ҳар бир юртдошимизни қувонтиради, шу билан бирга, бу улуғвор ишларга катта масъулият билан қарашга ундайди.

Қарорда таъкидланишича, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилади. Кўҳна шаҳарнинг бу қутлуғ байрами 2006 йилда шу ерда ўтказиладиган “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларига ҳам ўзига хос равишда уланиб кетиши унга янада тантанаворлик бахш этиб, ёшларимизнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини юксалтиради, албатта. Ушбу спорт дастури доирасида юртимизнинг қадимий давлатчилик ва маданият тарихи, Амир Темур ва темурийларнинг ҳаёти, фаолиятига доир билимлар даражасини белгилаш юзасидан ёшлар ўртасида алоҳида танлов ўтказилиши қарорда белгиланганини ушбу тадбирларнинг миллий-маърифий аҳамияти ҳам чуқур эканлигини англатади.

Шу муносабат билан кеча Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ўтказилган фаоллар йиғилишида 2006 йилда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонланиши жуда катта имконият экани, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўшимча равишда маблағлар ажратилиб, қурилиш ва ободончилик ишларига жиддий эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Юртбошимизнинг бу кўҳна шаҳарни обод ва ораста қилиш, замонавий шаҳарга айлантириш учун нечоғлик жон куйдираётгани Ватанни севишда ҳаммамизга ибрат бўлиши зарурлиги тилга олинди. Унда сўзга чиққанлар бу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишларига ўз ҳиссаларини қўшажакларини билдиришди.

Йиғилишни Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев олиб борди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Куннинг муҳим воқеалари

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан В.А.Голишев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплексининг раҳбари этиб тайинланди.**
- **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Марк Перрен де Бришамбо раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.**
- **26-28 июл кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари фаоллари йиғилишлари бўлди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида миллий истиқлол ғояси ва замонавий кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**
- **Озарбойжон Республикасида Ўзбекистон ёшлари кунлари бўлиб ўтди.**
- **Фарғона вилоятида «Perfektum Mobile» янги уяли телефон тармоғи иш бошлади.**
- **Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг конференцияси бўлиб ўтди.**
- **«Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти фаолларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг ижросига бағишланди.**
- **Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази Андижон шаҳрида спортнинг кемамодель тури бўйича навбатдаги Ўзбекистон кубоги ҳамда мамлакат биринчилиги мусобақаларини ўтказди.**
- **«Al-Samar-Tia» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгач, Бахмал туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар сони бештага етди.**

# Чироғи ёниқ уй

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

***Халқимизда шундай гап бор: чироғи ёниқ уй. Орамизда бу иборанинг маъносини билмайдиган киши бўлмаса керак. Лекин ушбу гапни ўз маъносида ҳеч қўллаб кўрганмисиз? Чироғи ёниқ уй.***

Таъбир жоиз бўлса, аввалгисидан мутлоқо бошқача маъно касб этади. Яъни, биринчиси ижобий бўлса, иккинчиси салбий. Тўғрида, уйингизда чироқнинг бесамар ёниб туришининг турган битгани зиён. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Мутахассисларнинг айтишича, 100 Ваттлик лампочка бир соатда юз Ватт, бир суткада эса 2,4 кВт электр энергиясини ёқар экан. Аксарият хонадонларда 200 Ваттлик чироқлардан фойдаланилишини эътиборга олсак, бундан-да каттароқ рақам ҳосил бўлади. Бир соатда 200 Ватт, бир суткада эса 4,8 кВт электр энергияси мақсадсиз сарфланади, дегани. Буни пулга чақадиган бўлсак, бир суткада 140 сўм кўкка учди, деяверинг. Бир ойда 4215 сўм, бир йилда эса 51 минг 282 сўмдан ортиқ пулингиз беҳудага сарфланар экан. Агар буни сўз юритмоқчи бўлганимиз Жиззах вилояти мисолида олсак-чи? Вилоятдаги улгуржи истемолчилар сони 154 минг 445 хонадон эканлигини эътибордан қочирмасак, бепарволик оқибатида ёниқ қоладиган чироқ ҳақлари миллиондан миллиардларга айланиб кетади. Шунча электр энергияси ҳосил қилиш учун қанча ёқилғи сарфланганлигию, унинг харажатларини ҳам ҳисобласак, хонадонимизга беминнатгина ташриф буюраётган энергиянинг ортида қанчалаб кишиларнинг заҳматли меҳнати ётганини англаш қийин бўлмаса керак.

(Давоми 4-бетда)

**ИНТИЛИШ**

# Маҳсулот экспортга чиқарилди

***“Дўстлик дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти бугун том маънодаги юксалиш пиллапояларини босиб ўтяпти. Лекин бунга эришиш, корхона қаддини қайта тиклаш осон кечмади.***

Чунки аҳвол бундан бир йил олдин ҳам дуруст эмас эди-да. Иш сурати ҳам, ишаб чиқариш ҳам сезиларли даражада пасайиб кетган, ишчи-ходимлар ойлаб қўлларига маошларини олишмаганди. Цехлардаги манзара-да нари-берида эди. Масалан, биргина тегирмон цехини олайлик. Лойиҳавий қуввати бир кеча-кундузда 220 тонна ун ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлса, амалда бор-йўғи 20-25 тонна ун тайёрланган, холос. Ҳозир-чи?

- Тегирмонимизда иш қизғин, - дейди цех бошлиғи Аҳмад Мусинов, - Чунки лойиҳавий қувватдан тўлиқ фойдаланаяпмиз. Яъни бир кеча-кундузда 220 тонна сифатли ун тайёрланяпти. Маҳсулотимиз нафақат маҳаллий мижозларга, балки хорижлик шерикларга ҳам ҳар томонлама манзур бўлаётгани бизни руҳлантириб юборди.

Эътиборли томони шундаки, анчадан буён корхона раҳбариятининг орзусилигича қолаётган маҳсулотни экспорт қилиш ишларига илк бор ўтган йилнинг охирида эришилди. Яъни декабр ойида 295 тонна биринчи навли ун хорижий давлатларга сотилди. Жорий йил бошидан эса ойига 40-50 вагондан ун хорижлик истеъмолчиларга етказилиб берилаётир.

(Давоми 3-бетда)

# Яхшилик гули...

**ОДАМИЙ ЭРСАНГ...**

***Инсоннинг кимлигини белгилайдиган мезонлардан бири унинг оқибатлилигидир десак янглишмаймиз. Назаримда оқибат инсон характери, хулқ-атвори ва қиёфасининг инъикоси. Унинг намоён бўлишига қараб, кишини оқибатли ёки оқибатсиз дейдилар.***

Шубҳасиз, бунда бизнинг идрок этиш қобилиятимизу ҳақиқат мезонимиз ҳам муҳим. Борди-ю, бунга қандайдир манфаатдан келиб чиқиб ёндашсак, бошқа бир инсон ҳақида нотўғри хулоса чиқарган бўламиз ва бу билан ўзимиз оқибатсиз бўлиб қоламиз.

Оқибатлилик яхшилик ва эзгулик уруғини сочса, оқибатсизлик ғараз ва араз дардини қўзғайди. Ҳадислардан бирида шундай дейилади: “Бир-бирларингизга хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғиллу ғашлик кетади”. Демак, инсон фақат яхшиликка интилиб, бировга яхшилик истаб яшамоғи лозим. Шарқнинг улуғ мутафаккирлари элни доим шунга даъват этишган. Абу Абдулло Рудакий: “Яхшига интилар ва сулҳдоно” деса, Абу Шукур Балхий: “Яхшиликдан кўзинг равшандир, яхшилик балодан сақлар қалқондир” дейди. Фирдавсий: “Кишига яхшилик қил, берма озор” деб даъват этса, Носир Хисрав: “Қилибсан яхшилик, ҳеч этма миннат, кетар зое ҳама эҳсон-иноят” деб огоҳлантиради.

Яхшилик - оқибатли инсоннинг доимий ҳамроҳи. Ҳар қандай инсон учун оқибатсиз фарзанд номини олишдан ёмони йўқ. Одатда, оқибатсиз фарзанд ота-онасига иснод келтиради, тириклигида уларнинг қадрига етмайди. Ота-онасининг шаънига доғ тушираётган, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйган оқибатсиз фарзандлар ҳақида кўп эшитгансиз. Бундай ҳолатлар баъзан юрак-бағрингизни ўртаб юборади, беихтиёр Фирдавсийнинг ушбу мисралари ёдга келади:

Агар ерга урса ота номини,
Кеч ундай ўғилдан, дема номини.

(Давоми 5-бетда)

**ТУРМУШ**

# Анзират аянинг армони

***Қишлоғимизда Анзират ая исмли ёлғиз онахон яшайди. Якка-ю ягона ўғли – Омон Россияга иш излаб кетганига тўрт йилдан ошди ҳамки домдараксиз. Аянинг кўзи тўрт бўлиб йўл пойлайди.***

Эшик “тиқ” этса, “Омоним келдимикан?” дея нурсиз кўзларини остонага қадайди.

Кейинги пайтларда Анзират аянинг тез-тез тоби қочадиган бўлиб қолди. Гоҳида алаҳсираб ўғли Омонни кўп сўрайди. Тушларида у билан гаплашиб чиқишини айтади. Гоҳида эса ўзига таскин бериб, “Болам бечора роса ишлаб, менга кўпдан-кўп совғалар олгандир. Кўрасизлар, Омоним тўлиб-тошиб келади”, дейди.

Қани, шу пайтда Анзират аяга таскин берадиган илинж бўлса. Ҳеч ким унинг ўғли ҳақида бирорта жўяли фикр айта олмайди. Кейинги пайтда онахонга кўнгил кўтариш учун айтилган ҳавойи гаплар ҳам ёқмай қолди. Ўн гапириб, бир жавоб оласиз.

(Давоми 6-бетда)

BANK

ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 397,9 ▲ + 1,1 | БЕНЗИН (91) 464,7 ▲ + 12,5 | ДИЗ.ТОПЛИВО 281,0 ▼ - 2,4 | МАЗУТ 82,6 ▼ - 23,1 | СЖ.ГАЗ 328,0 ▼ - 40,4 | МАСЛО ХЛОПК. 814,6 ▲+ 3,5 | САХАР 588,0 ▼ - 0,001 | МУКА высш.сорт 280,0 ▼ - 0,1 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

# Халқни бунёдкорлик улуғлайди

(Боши 1-бетда)

Бу ерга аввалги ташрифи чоғида мутасаддиларга берган кўрсатма ва топшириқларининг ижросини таҳлил этди.

- Яқинда кўлга сув тўлдирилади ва ҳамшаҳарларимиз, айниқса, фарзандларимиз бемалол ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё этилади, - деди Юртбошимиз бу ердаги ободонлаштириш ишлари юзасидан тавсиялар берар экан.

Давлатимиз раҳбари кўздан кечирган янги иншоотларнинг аксарияти Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Лекин кўчат ва ниҳоллар ўтқазиш, кўкаламзорлаштириш юмушлари кейин ҳам давом этади. Президентимиз уқтирганидек, ҳар ишнинг ўз вақти ва мавриди бор.

Шунга эришиш керакки, эл-юрт манфаати йўлидаги бунёдкорлик ишларига дахлдор ҳар бир мутахассис, буюртмачи, пудратчи, қурувчи жонажон пойтахтимизнинг янада чирой очиши ва обод бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшгани билан фахрлана олсин.

Мустақиллик майдони - Ватанимиз юраги. Бу муқаддас масканни зиёрат этиш юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонлари учун чуқур рамзий маънога эга. Зотан, халқимиз, миллатимизнинг асрий орзу-армони рўёбга чиқди - истиқлолга эришдик. Эндиликда озод Ўзбекистоннинг қоқ марказида янгиланган, мутлақо ўзгача қиёфа касб этган Мустақиллик майдони бутун кўрку салобати билан намоён бўлиб турибди.

Майдонга кираверишда Президентимизнинг яна бир ҳаётбахш ғояси рўёби бўлмиш Эзгулик аркаси бунёд этилаётир. Турмуш қураётган келин-куёвлар ўн олтита оппоқ мармар устунларни туташтириб турган мана шу дарвоза остонасидан ҳатлаб, Мустақиллик майдонига қадам қўядилар. Шоҳона дарвоза тепасидан сайёрамиз тасвири узра парвозга шайланган жуфт-жуфт турналар, халқимизнинг қалбидек, орзуларидек оппоқ лайлаклар жой олади.

- Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман, - деди пировардида Ислом Каримов. - Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истакларсиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзлаган мақсадимиз эзгуликка хизмат қилишдир.

Зотан, ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни ўз қўли билан амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари улуғлайди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири.**

---

Бешикни тебратиб ўтирган онанинг кўзларига боққанмисиз? Мен Ватанни худди ўша маъсума, мушфиқ она қиёфасида кўраман. Ватан — кўксига талпинаётган гўдагини авайлаб қучаётган онадек меҳрли. Фақат... Унинг тафтини ҳамма вақт ҳис қилавермаймиз.

Яқинда ҳамкасбим Европа давлатларидан бирида уч ойлик тажриба алмашинувида бўлиб қайтди.

# Боламдай азиз, онамдай муқаддас




– Тараққий этган мамлакат... Тамомила бошқа дунё, ўзга одамлар... Уч кун атрофга завқ билан тикилдим. Кейин-кейин зерика бошладим. Оиламни, яқинларимни соғингандим. Лекин яна қандайдир соғинч юрагимни тимдаларди, – деди у қайтган куниёқ уйимга қўнғироқ қилиб. – Аввалига бунга эътибор бермадим. Бора-бора англадимки, мен юртимга тезроқ қайтишга ошиқаётган эканман. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек мен мусофирчиликдагина Ватан нималигини, тирик инсон ҳеч қачон киндик қони тўкилган жойда топган меҳрни ўзга ердан ололмаслигини тушундим. Самолётимиз Тошкент аэропортига қўнаётганда юрагим қушдай типирчиладики... мен бор-йўғи уч ойда юртимни соғиндим, ўзга юртда йиллаб юрганлар қандай чидарканлар-а?

Самимий айтилаётган бу иқрорни тинглай туриб ўйлаб қолдим. Ғаламис мақсадини амалга ошириш учун Ватанининг бағрини хун қилишдан хайиқмайдиган ватанфурушлар йўқ эмас. Улар-ку, тубанликда яшайдиган одамлар, лекин бугун орамизда уч-тўрт сўм пул орзумандида жаннат излаб хорижга талпинаётганлар ҳам борки, улар учун ватанпарварлик баландпарвоз сўз, холос. Янада афсуслиси, айрим ёшларимиз ўртасида хорижда яшашга бўлган интилишни яққол сезасан киши.

Иқтидорли, билимли бир шогирдим тўсатдан Европага кетиш тараддудига тушиб қолди. "Ота-онанг, оиланг-чи? Улардан узоқда яшайсанми?" дея сўрасам, "Бориб уй оламан, кейин уларни ҳам олиб кетаман", деган жавобни берди. "Ватан-чи? Ватанни олиб кетолмайсанку?!" десам, у истеҳзо билан кулиб қўйди.

– Ватан? Қизиқ гапни гапирасиз-а. Ватан – бу оилам. Оилам ёнимда бўлса, нима ғамим бор? – сўзларини эшитиб, рости, ўнғайсизландим.

Хуллас, шогирдим оиласини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Энг қизиғи, кўп ўтмай ундан хат олдим. Хатида "Ватан ҳақида сўраганингизда, кулгим келганди... Энди эса ўзимдан нафратланаяпман. Ҳозир яхши жойда ишлайман. Ҳамма нарсам етарли. Лекин қари ота-онамнинг, хотиним, болаларимнинг кўзларидаги соғинчни кўрсам, эзилиб кетаман. Ўзим ҳам Ўзбекистонни шундай соғиндимки... Мен юртимга қайтишга қарор қилдим", деб ёзибди.

Унинг қалб кўзи очилганидан хурсанд бўлдим. Истардимки, ўғил-қизларимизнинг бари-барида Ватан туйғуси янада кучайсин.

**Феруза ФАЙЗИЕВА,**
**олий тоифали шифокор.**
**Республика акушерлик-гинекология институти ходимаси.**

---

# Визасиз тартиб сақланиб қолади

***Республика Ташқи ишлар вазирлигида 2005 йил 30 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Россия Федерацияси фуқароларининг ўзаро бориш-келишлари тўғрисидаги Битимга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.***

Мазкур ҳужжат томонларнинг давлат чегараларидан ўтиш ҳуқуқини берадиган фуқаролар кириш-чиқиш ҳужжатлари рўйхатини белгилаб беради ва у 2005 йил 13 августдан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерацияси ҳудудига кириши, чиқиши, транзит ҳолати бўйича ҳамда у ерда бўлиши ва ҳаракатланиши учун керак бўладиган ҳужжатлар қуйидагича:

1. Дипломатик паспорт.
2. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти.
3. 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи гувоҳнома.
4. Ўзбекистон Республикасига қайтиш шаҳодатномаси (фақат Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун).

Россия Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши, транзит ҳолати бўйича ҳамда у ерда бўлиши ва ҳаракатланиши учун керак бўладиган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Дипломатик паспорт.
2. Хизмат паспорти.
3. Шахснинг Россия Федерациясидан ташқарида Россия Федерацияси фуқаролигини тасдиқловчи Россия Федерацияси фуқароси паспорти.
4. Денгизчи паспорти (денгизчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси).
5. Россия Федерациясига кириш (қайтиш) шаҳодатномаси (фақат Россия Федерациясига қайтиш учун).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида амал қилган визасиз тартиб сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вояга етмаган болалар билан Россия Федерациясига бориши учун ҳар бир болага "16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг гувоҳномаси"ни расмийлаштириш зарур. 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 декабрдаги №519 қарори билан жорий этилган ва у фуқароларнинг доимий яшаш жойларида ички ишлар идоралари томонидан берилади.

**"Жаҳон" АА.**

---

МУНОСАБАТ

***Ахборот асрида яшаяпмиз. Одамларнинг информацияга кўпроқ эҳтиёж сезаётгани онг ва тафаккурнинг, интеллектуал салоҳиятнинг кенгайиб бораётганидан далолат беради. Эҳтиёжга мос тарзда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳам сезиларли тарзда ошмоқда.***

# Газета ўқишга қалайсиз?

Қашқадарёдаги "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамият раиси Тиркаш Очилов таъкидлашича, одамлар матбуот нашрларидан мунтазам хабардор бўлишга интилмоқда. Газета дўконларида вақтли нашрларни сотиб олиш даражаси ҳам илгариги йилларга қараганда бирмунча кўпайди.

Газета сотиш ҳам даромадли бизнесга айланди. Ҳозир турли хусусий тармоқ нашрларни, айниқса спортга оид газеталар савдоси билан шуғилланишга иштиёқманд кишилар сафи кенгайди. Бу нашрлар газета дўконларида эмас, балки дуч келган жойда, одам гавжум ҳудудларда тарқатилмоқда. Тадбиркорлар қўлидаги нашрлар газета дўконларидагига нисбатан анча арзон. Бу эса уларга қўл келмоқда.

–Ҳамма муаммо шунда-да, - дейди Тиркаш Очилов. –Биз муштарийларга етказиб бераётган газеталар нархи бозордагига нисбатан бирмунча қиммат. Чунки биз олган даромадимиздан тегишли миқдорда солиқ тўлаб борамиз. Норасмий тадбиркорларнинг имконияти эса бошқача:

Газета сотувчи норасмий тадбиркорлар билан суҳбатлашганимизда улар "таҳририят солиқ тўлаяпти-ку, биз улар чиқарган газеталарни сотишда кўмаклашаяпмиз", дейишади. Тўғри, ҳақиқатда улар таҳририятларга яқин кўмакчи.

"Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамияти жамоаси матбуот нашрларини ҳам чакана савдо, ҳам обуна орқали вилоят аҳлига етказиб бермоқда. Туманларда жамиятга қарашли 13 та бўлим мавжуд бўлиб, обуначиларга газета дўкони сотувчилари ва хушхабарчилар нашрларни ўз вақтида етказиб беради. Уларнинг вилоятда 110 та газета дўконлари бор. Шундан 37 таси Қарши шаҳрида жойлашган.

Пойтахтимизда чиқадиган марказий матбуот нашрларини обуначиларга етказишда транспорт хизмати билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

–Обуначиларни бундай нашрлар билан ўз вақтида таъминлаш Тошкент – Қарши йўналишидаги самолётлар қатновига тааллуқли ишдир, - дейди Т.Очилов. –Шу боис, баъзан газета обуначиларга вақтида етиб бормаслиги мумкин. Айниқса, узоқ туманларда яшовчилар уларни кечроқ ўқишига тўғри келиб қолади. Чунки туманлардан чекка жойларга газетани элтишда айрим муаммолар ҳали барҳам топган эмас.

Сиз бугун узоқ қишлоқларда яшовчи одамлардан "Газета ўқишга қалайсиз?" деб сўранг-чи. Улар "қани ўша газета?" деб куюнишади. Демак, эндиликда матбуот нашрлари ҳар бир қишлоқ, маҳалла, хонадонга етиб боришига ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун имкониятлар бор. Ҳамма гап бу имкониятлардан унумли фойдаланишда.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

---

# Биринчи партия жўнатилди

***"Бухороқоракўл" акциядорлик жамияти Тюмен қоракўлчилик фабрикасига 35 минг АҚШ доллари қийматидаги қўзи терисининг биринчи партиясини жўнатди. Ўзбек-Россия ҳамкорлари ўртасида имзоланган шартноманинг умумий қиймати 500 минг АҚШ долларини ташкил этади.***

ХАБАР

Жорий йилда Навоий ва Бухоро вилоятларидаги ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан 250 мингдан ортиқ қоракўл терисини тайёрлаб бериш бўйича шартномалар тузишга муваффақ бўлинди.

Йил охирига қадар "Бухороқоракўл" акциядорлик жамияти жамоаси 2 миллион АҚШ доллари қийматидаги 50 минг дона қоракўл терисини хорижий ҳамкорларига етказиб беришни режалаштирмоқда.

**А.ҚУДРАТОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

---

# Тоза сув мўл бўлади



***Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон шаҳри мўъжазгина. Шаҳардаги ҳар бир янгилик тезда овоза бўлади. Қурилган кичик иншоот ҳам дарров кўзга ташланади. Агар бундан бир-икки йил аввал ушбу шаҳарга меҳмонга борсангиз, хонадонлар ҳовлисидаги сунъий ҳовузларни кўриб ҳайратга тушар эдингиз.***

Бу сизот сувларининг ер устки қисмига кўтарилиши оқибатида юзага келган заҳ сувлар эди. Йиғилиб қолган бу оқава сувларини оқизиш учун сув йўллари йўқ эди. Тўпланиб қолган заҳ сувлар фуқароларга кўп қийинчиликлар туғдирарди.

Эндиликда аҳвол яхши томонга ўзгараётир. Сизот сувларини тортиб кетадиган очиқ зовурларнинг қазилиши боис ер ости сувларининг сатҳи аста-секин пасайиб бораяпти. Гулистон шаҳар ҳокимлиги ариқ ва зовурларни тозалаш ишларини ҳудудлар бўйича ташкилотларга бириктириб қўйган.

Гулистон шаҳрининг ирригация ва мелиорация ҳолати ҳамда инженерлик коммуникацияларини яхшилаш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширила бошланди.

Ушбу йўналиш бўйича бажариладиган ишларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шаҳардаги К-3 каналидан 1-мавзега сув чиқариш мақсадида хандақ қазилиб, қувурлар ётқизилди. Ҳозир ушбу ариқлардан оби равон ўйноқлаб оқмоқда. Дўстлик канали ёнидаги анча йиллардан буён тозаланмай ётган зовур тўлиқ тозаланди. Шаҳар ҳудудидаги сизот сувларини чиқариш учун 25 километрлик зовурлар тўлиқ қазилиб, ишга туширилди.

– Мен 3-мавзеда яшайман, – дейди Олим Салимов. – Сизот сувларининг кўплигидан уйларимизни пашша-ю чивин босиб кетарди. Сизот сувларини ҳайдаш бўйича шаҳарда амалга оширилаётган ишларни кўриб, кўнглимда умид пайдо бўлди.

**Шаҳардаги оқава сув тармоқларидаги яроқсиз 200 погон метрдан ортиқ қувурлар алмаштирилди. Сув тармоқларини яхшилаш, янгиларини қуриш, яроқсизларини таъмирлаш ишларига 130 миллион сўм маблағ харажат қилинди.**

Бугунги кунда шаҳардаги мавжуд ирригация тармоқларининг 64 километри турли чиқиндилардан тозаланиб, ишлатишга яроқли ҳолатга келтирилди.

Ҳозирги кунда Сирдарё вилояти "Сув оқава" ишлаб чиқариш Бош бошқармаси шаҳар ҳудудидаги олтита оқава сув ҳайдаш иншоотларини тўлиқ таъмирлаш бўйича иш олиб бормоқда. Сув ҳайдовчи қурилмаларига 9 та янги "Флюгт" русумли насослар ўрнатилиши режалаштирилган.

Шаҳардаги оқава сув тармоқларидаги яроқсиз 200 погон метрдан ортиқ қувурлар алмаштирилди. Сув тармоқларини яхшилаш, янгиларини қуриш, яроқсизларини таъмирлаш ишларига 130 миллион сўм маблағ харажат қилинди. Шунингдек, вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар қилинмоқда. Бу йил шу ишлар учун 57 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, 4 та янги тик қудуқлар қурилди, 8 та қудуқ қайта тикланди.

Маълумки, инсоннинг саломатлиги тоза ичимлик сувини истеъмол қилиши билан чамбарчас боғлиқ. Қаерда аҳоли тоза ичимлик сувини истеъмол қилса, ўша ерда турли касалликларга чалиниш кам учрайди. Вилоятдаги тоза ичимлик суви танқис бўлган жойларда аҳолига қулайлик яратиш учун ижобий ишлар қилинмоқда. Тошкентдаги "Оқватек" корхонаси билан ҳамкорликда сув тозалаш иншоотлари қурилмоқда.



**Хўжалик ҳудудидан оқиб ўтадиган Мирзачўл каналининг шохобчасига Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган сув тозалаш қурилмаси ўрнатилди. Энди ушбу иншоот минглаб кишиларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради.**

Мирзаобод туманидаги Охунбобоев номли хўжалик аҳолиси анчадан буён тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекишарди. Яқинда бу ерда суткасига 6 минг куб канал сувини тозалаб берадиган иншоот фойдаланишга топширилди.

– Хўжалик ҳудудидан Мирзачўл каналининг шохобчаси оқиб ўтади, – дейди вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш бошқармасининг бош муҳандиси Юнус Жалолов. – Мана шу шохобчага Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган сув тозалаш қурилмаси ўрнатилди. Энди ушбу иншоот минглаб кишиларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Демак, шу ишлар жадаллик билан ўз вақтида амалга оширилса, сирдарёликлар учун тоза ичимлик сув муаммоси ўз ечимини топиши шубҳасиз.

**Ўктамхон ХОЛДОРОВА**







---




## "–Янги артистми, ака?"

***Зокир Ўролов Тошкентга жўнади. Ёнида дўсти Парда Эргашев. "Нексия" елдай учиб борарди, гурунг ҳам қизирди. Бахмалга етганда бир пиёла чой ичмоқчи бўлишди.***



"Нексия" йўл четида тўхтади. Мўйловли йигит машинага югуриб борди.

- Ака! Кўринг, мана, ҳамма кассетадан бор. Тиниқ ёзилган, тиниқ. Эшитиб кўринг, ака, эшитиб кўринг бир...

Зокир Ўроловга кассета сотувчи йигит елимдай ёпишганиданми, нимагадир ёқмади:

–Шошма, ука. Машинадан тушайлик, оёқни сал ёзайлик. Нега ҳовлиқасан?

Йигит ҳам ялиниб жаврарди:

–Оёқни ёзинг, ака... оёқни ёзинг... Менинг кассеталаримни билмайсиз-да. Бунақасини Тошкентдан ҳам тополмайсиз. Йўлда эшитиб кетсангиз мазза қиласиз, ака...

Парда Эргашев кулиб деди:

–Кассеталарингнинг олдида тур! Ҳозир борамиз. –Еб қўйаяпсан-а. Эшитиб кўрамиз, дедик-ку...

Йигит энди Зокир Ўроловнинг қўлидан ушлаб торта бошлади:

–Юринг ака, сиз юринг. Овознинг тиниқлигини қаранг... Ҳаммасидан бор... Майкл Жексон дейсизми, ҳиндчами, Шерали Жўраевми, ким десангиз топиб берман ака...

У ноилож йигитга эргашди. Парда Эргашев ҳам уларнинг изидан юрди. Зокир Ўролов беписанд қараб деди:

–Парда Эргашев қўшиқларидан борми?

Кассетачи йигит анграйгандай сўради:

–Парда Эргашев? Ҳозир қарай-чи... –У анча ахтарди. Тополмади. Хижолат бўлди чоғи, деди:

–Янги чиққанми, ака?

–Ҳа, янги чиққан, - деди у ва ошхона томон кетишди. Кассетачи йигит ҳамон "Парда Эргашев" кассетасини изларди...

## "...Домлангиз кутаяпти"

***Хўжаёр кўнгли очиқ, содда йигит. Жуда ишонувчан, университетда ўқийди. Эртага байрам. Ҳамма уйига қайтаётир. Автобуслар тирбанд, чиқиб бўлмайди.***



Поезд вокзали ҳам одамга тўла эди. Чиптага навбатга турди. Икки соатча туриб, чипта туйнугига анча яқинлашди. Беш-олти киши қолди. Қодирали ҳам талаба. Лекин қувгина йигит. У ҳам кетмоқчи эди. Чипта олиш қийин. "Э, Хўжаёр навбатда турибди-ку". Секин Хўжаёрнинг ёнига борди:

– Менга ҳам битта билет олмайсанми, Хўжаёр?

– Йўқ, йўқ... Одамлар жанжал қилади, ўзинг навбатга тур, – минғирлади Хўжаёр.

Қодирали вокзал радиосига борди:

– Мана 500 сўм. 5 марта айтасиз: "Катта дарвоза олдида студент Хўжаёр Шойматовни университетдаги домласи кутаяпти..."

Хўжаёр Қодиралини чақирди:

– Домлам изимдан келибди. Нима гап экан? Сен ўрнимга тур.

– Ўрнингда тураман-да, қайтиб келиб жойингни яна олиб қўясан-да, – деди Қодирали.

– Олмайман, қайтиб келиб... – деди Хўжаёр.

Хўжаёр дарвоза ёнига борди. Ҳеч қандай домла йўқ. Роса кутди. Домла келмади. Изига қайтди. Узоқдан қараб "Қодирали ҳозир чипта олади. Ўрнимни қайтиб келиб олмайман, дедим-ку. Чипта ол десам, орқа навбатдагилар..." ўйлади у.

Поезд жўнади. Қодирали вагон деразасидан Хўжаёрга кулиб қўл силтади. Хўжаёрнинг кўзлари жавдирарди: "Билет ололмай қолдим-да". Вокзал радиоси охирги марта эълонни ўқирди:

– Хўжаёр Шойматов! Сизни катта дарвоза олдида домлангиз кутаяпти...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

---

МУКА 1 сорт 197,1 ▲ + 0,8 | МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 0,05 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 5,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1238,7 ▲ + 398,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I 1561 840,0 ▼ - 0,5 | КАРБАМИД 144,2 ▼ - 0,7

# Манфаатдорлик шундай кучки...

***Бу йил сирдарёлик деҳқонларнинг ғайрати, шижоати бошқача. Улар - пилла, ғалла сотиш бўйича шартномаларни ошириб бажардилар. Ғўза парвариши қизғин давом этаяпти. Ҳамманинг диққат-эътибори пахтада. "Бу йил вилоятимиз пахта бўйича шартномавий режани бажариши шарт" деган фикр ҳар бир сирдарёлик деҳқон қалбидан жой олган.***

Боёвутнинг Гулистон тумани билан туташ жойидаги "1-Боёвут" ширкат хўжалиги ҳар соҳада пешқадам, иқтисодий жиҳатдан йилдан-йилга юксалиб бораётир. Ширкат хўжалиги ихтиёрида 4627 гектар ер бор. Ўтган йили ширкат хўжалиги ғалла, пахта сотиш режаларини биринчилардан бўлиб бажариб, мўмайгина даромад олди. Пахтадан 28,6 центнердан, ғалладан ўрта ҳисобда 40,1 центнердан ҳосил етиштирилди.

–Бу йил ғаллакорларимиз 1962 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,2 центнердан ҳосил олиб, 4296 тоннасини давлат буюртмасига топширдилар, -дейди хўжалик бош иқтисодчиси Турдишер Абдуқодиров. –Ишлаб чиқариш режаси ҳам бажарилди. Бундан ташқари давлат омборига 210 тонна сара ва серҳосил бўлган уруғлик буғдой етказиб берилди.

–Дастлабки ҳисоб-китобларимиз бўйича 1650 тоннага яқин ғалла хўжаликда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар, тракторчилар, сувчилар, ёрдамчи хўжалик ишчилари иш ҳақига берилаяпти. Шу жумладан, ижтимоий ҳимоя тариқасида тарқатиладиган ғалла миқдори 30 тоннани ташкил этади. Хўжаликка кўп йиллар меҳнати сингган қарияларга, уруш қатнашчиларига, ногиронларга, қаровчиси бўлмаган, кам таъминланган, ночор оилаларга моддий ёрдам тариқасида буғдой тарқатилмоқда. Сотилган ғалладан 550 миллион сўм даромад, 80 миллион сўм соф фойда олишни чамалаб турибмиз. Ўтган йили эса хўжалик ғалла етиштириш ва сотишдан 83,5 миллион сўм зарар кўрган эди. Бу йил ҳосилдорлик баланд бўлди, сарф-харажат эса камайди.

**ИСЛОҲОТ**

–Юртимиз тинч, оила тўкис, омборда донимиз, тандирда нонимиз бор, -дейди оила пудрати бошлиғи Рустам Холиқбердиев. –Уйимизга 32970 кило дон тушириб олдик. Меҳнат қилсанг, даромад яхши бўлар экан. Мана кўрдингизми, фойда ишлаганники, ташаббускорники. Вақтида ғаллага қараганимиз, оиламиз билан тинмай ишлаганимиз самараси бу. Фақат мен эмас, бошқаларнинг ҳам даромади яхши бўлди.

Мисол учун, Неъмат Эсиргаповга 18150, Мурод Эгамназаровга 13630, Зокир Сувонқуловга 13650, Низом Абдушукуровга 13360, Дилшод Алиевга 13050, Темур Эшонқуловга 13600, Шамсиддин Эсонтурдиевга 11100, Ёқуб Бўрибоевга 9230 килограмм буғдой тегди. Омбори донга тўлганларнинг оғзи қулоғида. Бозорда бир килограмм буғдойнинг нархи 130 сўм. Энди буёғини ҳисоблаб олаверинг.

–Хўжалигимиз аъзолари ун сотиб олишмаётганлигига анча йиллар бўлди, - дейди ширкат хўжалиги раиси Ғафуржон Алиев. –Ҳудудимизда 25 та тегирмон бор. Тадбиркорларимиз заводникидан қолишмайдиган қилиб сифатли ун чиқариб беришаяпти. Хўжалигимиз деҳқонлари ғаллачилик билан бир қаторда пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун астойидил меҳнат қилмоқдалар. Ғўзани серҳосил ривожлантириш учун қатор ораларига ишлов бериш қизғин олиб борилаяпти. 20 июл ҳолатига ҳар бир туп ғўзада 6-8 тадан бўлиқ кўсак бўлишига эришилди. Бу эса ўз навбатида пахта барвақт очилишини таъминлайди, сифатли ҳосил етиштирилиб, юқори нархларда сотилади. Мана шуни ҳисобга олиб хўжалигимиз бу йилни 300 миллион сўм соф фойда билан якунлашни мўлжалламоқда. Бу ўтган йилги соф фойдага нисбатан 150 миллион сўм кўпдир.

Замон ишлаганники, изланганники, ташаббускорники. Ишлаган тишлайди, оиласини фаровон қилади, юртини бойитади. Ерга суянган азамат деҳқонларнинг интилишлари шунга қаратилган.

Манфаатдорликдай кучли механизм йўқ қишлоқ хўжалигида. Деҳқон иш ҳақини вақтида олса, манфаат кўрса, рағбат кўрса, бугун кечагидан, эртага бугунгидан баракалироқ, ғайратлироқ ишлайди. Ширкатда эса ҳар бир қўли қадоқ, юзлари офтобда қорайган, тилидан шукроналик тушмайдиган оддий деҳқоннинг қадрига етишади.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## *Сўранг, жавоб берамиз*

# Муқобил текшириш нима?

***Савол:*** *Президентимизнинг шу йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини диққат билан ўқиб чиқиб, очиғи, қувондим. Чунки ушбу ҳуқуқий ҳужжат биз каби тадбиркорларга энди жуда катта имкониятларни яратиб беради. Фармоннинг иккинчи бандида "Муқобил текшириш" ҳақида сўз кетган. Тўғриси, бундай текшириш қандай бўлиши ҳақида яхши тушунчага эга эмасман. Шунга оид маълумот берсангиз.*

**И. Аҳмедов, Наманган вилояти.**

**Жавоб:** – Президентимизнинг юқорида айтиб ўтилган Фармонига асосан "фақат қўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади.

Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин", деб белгиланиши тадбиркорлардан иш ҳолатлари юзасидан умуман алоқаси бўлмаган ҳужжатларни талаб қилишга чек қўядиган бўлди.

Муқобил текшириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан иш ҳолатларига аниқлик киритиш мақсадида ўтказиладиган текширув турларидан бири бўлиб, фақатгина операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослаш мақсадида амалга ошириладиган текширувдир.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказишга фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари қисмида йўл қўйилади.

***Савол:*** *Хўжалик юритувчи субъектнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабати деганда нимани тушунамиз?*

**А. Самадов, Сурхондарё вилояти.**

**Жавоб:** – Бунда шахсларнинг жиноят иши материаллари(ашёвий далиллар) билан тасдиқланган аниқ муносабатини тушуниш лозим. Қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан муқобил текширишларни амалга ошириш учун асос бўлади. Ўз навбатида мазкур текширишни амалга ошириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан тегишли қарор чиқарилади.

Ушбу текширишнинг зарурий аҳамияти шундаки, текширишда хўжалик юритувчи субъектнинг қўзғатилган жиноят иши билан ўзаро боғлиқ муносабатигина қамраб олиниши мумкин. Бу ҳақда муқобил текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Муқобил текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар текширувлар ўтказиш тартибига риоя қилишлари шарт. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йилнинг 6 апрелидаги 917-сон билан рўйхатга олинган "Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли маълумотларни киритишлари ва текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатишлари лозим.

***Савол:*** *Текширувчидан нималарни талаб қилишга ҳақлимиз?*

**Н. Юсупов, Фарғона вилояти.**

**Жавоб:** – Бунда бир неча жиҳатларга эътибор қаратиш керак. Яъни, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар, ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисида ахборотга эга бўлиш, назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш, текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик, назорат қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик, назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш ва қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда қабул қилинган "Муқобил текширишларни тартибга солиш тўғрисида"ги қўшма кўрсатмага мувофиқ муқобил текшириш предмети билан боғлиқ бўлмаган ҳамда текширишни тайинлаган органнинг қарорида кўрсатилмаган материалларни ва ахборотларни талаб қилиш, текшириш тақиқланади.

Муқобил текширишларни ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жиноий жавобгарликкача тортилиши мумкин.

**Саволларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Давлатназар МАТРАСУЛОВ жавоб берди.**

## Ғиждувонда янги корхона

***"Ғиждувон пахта тозалаш заводи" ҳиссадорлик жамияти ҳузурида вилоятда ягона уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган янги корхона қурилаяпти.***

"Зарафшон" ширкат хўжалиги ҳудудида қад ростлаётган мазкур корхонанинг лойиҳа қиймати салкам бир миллиард сўмни ташкил этади.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ**

## Сифатли уруғлик тайёрланади

***"Қўқон-2 пахта тозалаш заводи" ҳиссадорлик жамиятида янги цех қурилиши олиб борилмоқда.***

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**

Иншоотни шу йилнинг 15 августига қадар қуриб, битириш режалаштирилган. Шундан сўнг барча жиҳозлар Испаниядан келтириб ўрнатилади.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ**

# Маҳсулот экспортга чиқарилди

**(Боши 1-бетда)**

- Тўғри, олдин ҳам экспорт қилинган, бироқ бу фақатгина хомашё ҳисобига амалга оширилган, - дейди жамият бошқаруви раиси Акмал Мамадиев. – Уни тайёр маҳсулот ҳолида четга чиқаришга эса энди эришдик.



Бугун корхонада бўлган киши чиндан-да аҳволнинг ўнгланиб бораётганига гувоҳ бўлади. 420 кишилик жамоа ҳалол меҳнатлари эвазига эришилаётган муваффақиятлардан мамнун эканликларини уларнинг гап-сўзларидан, кайфиятларидан англаш қийин эмас. Биз эришилган натижалар сири билан қизиқдик.

- Очиғи, қаерда бўлмасин тадбиркорона бошқарув, ишлаш учун етарли шароит ва албатта, ҳалол меҳнат уйғунлиги таъминланса, кўзланган маррага етишингиз ҳеч гап эмас. Корхонамиз бугун эришаётган озми-кўпми ютуқларининг бош омили мана шунда деб биламан, - дея сўзида давом этади А.Мамадиев. – Дастлаб корхонанинг қуввати, мавжуд цехларнинг ҳозирги аҳволини ўрганиб чиқдик. Имкониятлардан оқилона фойдаланилса, бемалол ишларни изга тушириб олса бўлар экан. Шу мақсадда носоз, таъмирталаб асбоб-ускуналар қайта жиҳозланиб, ишга яроқли ҳолга келтирилди. Хуллас, яна цехларимизда қайноқ ҳаёт тафти сезила бошлади. Ҳисоб-китоб қилиб кўрганимизда керакли эҳтиёт қисмларни харид қилишга бор-йўғи 70-80 миллион сўм маблағ сарфланибди. Секин-аста янги, замонавий технологияларни олиб келишни режалаштирганмиз. Яқин келажакда бунга ҳам, албатта, эришамиз.

Яна бир қилган ишимиз бу - маҳсулот сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратдик ва бунга эришдик ҳам. Чунки бусиз бозорда муқим туриш амри маҳол. Бозорнинг талаблари эса қатъий, агар таклиф қилаётган маҳсулотингизнинг сифати бугунги замон талабларига жавоб бермаса мижоз дидига ҳам ўтирмайди, табиийки, уни сота олмайсиз. Ўзингизга ҳамкор топиш эса амри маҳол. Фаолиятимизда мана шу омилларга амал қилишга, имкон қадар сифатли маҳсулот тайёрлашга эришяпмиз.

"Дўстлик дон маҳсулотлари" АЖ томонидан бу йил 3 та - Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл туманлари ғаллакорлари билан жами 84 минг 680 тонна дон қабул қилиш бўйича контрактация шартномалари тузилган. Шундан 80 минг 80 тоннаси товар дон бўлиб, қолган қисми уруғлик буғдойни ташкил этади. Жамият аъзоларининг айтишича, бу йилги дон қабул қилиш ишлари қисқа фурсатларда адо этилди. Яъни 30 кун ичида мавжуд ғаллазорлардаги ҳосил ўриб-янчиб олинган.

- Бу, албатта, мавсумга пухта ҳозирлик кўрилганлиги билан изоҳланади, - дейди жамият таъминот бўлими бошлиғи Саидқосим Саидназаров. – Биз ҳам бу масъулиятли мавсумни исрофгарчиликларсиз ўтказиш мақсадида тайёргарлик ишларини бадастир адо этганимиз фаолиятимизда қўл келди. Даставвал 32 миллион сўмлик турли химикатлар харид қилиниб, корхонамиз дон қабул қилиш масканлари зараркунандаларга қарши тўлиқ дориланди. Туман ИИБ ҳузуридаги ёнғин хавфсизлиги бўлими билан 3 та ўт ўчириш автоуловига шартнома туздик. Шунингдек, корхонамиздаги доимий олти кишилик ёнғинга қарши кураш гуруҳи мавсум олди керакли асбоб-ускунлар билан таъминланди, қайта ўқитилди. Кейин лабораториялар жиҳозланди. Очиғи, ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасининг юраги лаборатория ҳисобланади. Шу маънода бу ишга малакали кадрларни жалб этмай ижобий самарага эришиш мушкул, албатта. Буни яхши англаганимиз ҳолда лабораторияларни етук мутахассислар билан, уларни эса керакли жиҳозлар билан таъминладик. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, фақат жиҳозлар хариди учун 8 миллион сўм сарфланди. Бу ҳазилакам иш эмас. Ҳозирда жамият тасарруфидаги учта дон қабул қилиш масканларида 20 дан ортиқ лаборант фаолият кўрсатишаётган бўлса, уларнинг барчасини мавсум олди яна бир бор ўқитиб, малакаларини оширдик. Чунки сифатли маҳсулот тайёрлашни мақсад қилиб олган эканмиз, бунинг учун аввало сифатли хомашёга эга бўлишимиз керак. Бу йўлда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз ушбу мутахассислар.

Қишлоқ хўжалигининг қайси соҳаси бўлмасин унинг ривожи сифатли уруғга бориб тақалади. Шу боис ҳам кейинги йилларда деҳқонларни сара уруғ билан таъминлашга алоҳида эътибор берила бошланди. Бунинг самараси ўлароқ ғаллачиликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб боряпти. Масалан, бу йилги мавсумда Дўстлик туманида ўртача ҳосилдорлик 54,1 центнерданга етди. Демакки, деҳқон даромади ўсяпти. Буни мутахассислар ҳудуд ер-иқлим шароитига мос бўлган буғдойнинг "Чиллаки", "Половчанка", "Крошка" навлари парвариш этилгани билан изоҳлашаётир.





Муҳими, мазкур буғдой уруғликлари бугун Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл туманларида ҳам етиштирилди. Тайёрланган биринчи репродукцияли уруғликлар жамиятининг Сара уруғ тайёрлаш цехига қабул қилиб олинди. Цех жамоаси эса навларнинг сифати, тозалиги ва уларнинг аралашиб кетмаслиги учун астойдил меҳнат қилишаётир. Бу келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратилаётганидан дарак.

Хуллас, товар дон, уруғлик буғдой қабул қилиш ишлари кўнгилдагидек якунланди. Уларни сақлаш, қайта ишлаш юмушлари қай даража олиб бориляпти?

Олинган маълумотларга қараганда, жамият элеваторида 62 минг 100 тонна дон сақлаш қуввати мавжуд. Ҳосилнинг қолган қисми эса жамият тасарруфидаги Мирзачўл ва Арнасой дон қабул қилиш масканларида сақланади. Мазкур масканлар ҳам керакли моддий-техника базаси билан таъминланган бўлиб, ёпиқ дон сақлаш омборларига эга. Масалан, Мирзачўл масканида 12 минг тонна сиғимдаги ёпиқ омбор мавжуд бўлса, яқинда Арнасой масканида ҳам 10 минг тонна буғдой сақлашга қодир ёпиқ омбор қуриб битказилди.

- Раҳбарият олдига қўйилган асосий мақсадлардан бири донни 10 августга қадар ташиб, омборларга жойлаб олиш ва қайта ишлашни жадаллаштиришдан иборат, - дейди С.Саидназаров. - Бу кейинги 10 йил ичида эришилаётган улкан ютуқларимиздан бири, десак ҳам бўлади. Чунки олдинлари маҳсулотнинг очиқ майдонларда қолиб кетиши оқибатида исрофгарчиликларга йўл қўйилгани айни ҳақиқат.

Жамиятнинг омухта ем, макарон ишлаб чиқариш цехларида ҳам айни кунларда иш қизғин. Масалан, омухта ем ишлаб чиқариш цехидан тушаётган талаб ҳамда буюртмалардан келиб чиққан ҳолда ойига 1,5-2 минг тонна ем ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми паррандачилик ва чўчқачилик озуқаси ҳисобланади. Мижозларнинг аксариятини эса вилоят фермерлари ташкил этади. Биз омухта емнинг сифати билан қизиқдик. Мутахассисларнинг айтишича, озуқа таркиби бойитилиб, белгиланган нормалар асосида ишлаб чиқарилаётир. Бунинг учун бир неча корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилибди.



Макарон ишлаб чиқариш цехида эса бор-йўғи 4 киши ишлайди, холос. Улар томонидан замонавий дастгоҳларда 3 турдаги макарон тайёрланиб, маҳаллий бозорларга чиқарилмоқда. Шу турдаги маҳсулотлар билан таққосланганда нисбатан арзон ва сифатли. Шу боис бўлса керак жамият тамғаси билан чиқаётган макаронлар анчайин харидоргир бўлиб боряпти. Ойига 6-6,5 тонна макарон ишлаб чиқарилаётганини ҳисобга олсак, биргина макарон цехидан ҳам яхшигина даромад олинаётганини илғаш қийин бўлмаса керак. Хуллас, "Дўстлик дон маҳсулотлари" АЖда ҳозирда ишлар маромида кетяпти. Бироқ жамият аъзоларининг қай бири суҳбатлашманг, улар бугунги натижалар чегара эмаслигини айтишмоқда. Олдиларига қўйилган мақсадлари эса улкан. Самарали меҳнат қилиб, янада юқори иқтисодий кўрсаткичга эришиш ҳамда экспорт ҳажмини оширишдан иборат. Бунинг учун эса имкониятлар етарли, албатта.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.**




## Ҳиндистонда жала

***Шу кунларда Ҳиндистонда ёғаётган кучли муссон ёмғири мамлакатда йирик талафотларни келтириб чиқармоқда.***



Табиий офат Ҳиндистоннинг молиявий штатлари Мумбай ва Махараштага жиддий зиён етказган.

Хабарларга кўра, сув тошқинлари ушбу штатлардан 245 нафар одамнинг умрига зомин бўлган. 200 га яқин одам бедарак йўқолган. Бир неча бинолар вайрон бўлган. 150 минг аҳоли ҳозирга қадар табиий офат ҳудудидан эвакуация қилинган. Айни дамда келтирилган молиявий зарар 150 миллион долларни ташкил этмоқда.

Маҳаллий метеорология хизмати маълумотига қараганда Ҳиндистон тарихида бу каби ноқулай об-ҳаво шароити охирги 20 йил ичида кузатилмаган.

## Қўпорувчилик олди олинди

***Лондонда яна бир бор мудҳиш қўпорувчилик содир этилиши мумкин эди.***



BBC News хабар қилишича, Буюк Британия пойтахти ташқарисида 12 та қўлбола портлатиш мосламаси топилган ва терроризмда гумон қилиниб уч нафар шахс қўлга олинган. Лондон полицияси қўлга киритилган мосламалар пойтахтга иккинчи бор зарба бериш учун тайёрланганини айтмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, ушбу бомбаларнинг ҳажми унча катта бўлмаса-да, кўп одамнинг ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин эди.

## Қўмондонликнинг тахмини

***Ироқдан АҚШ ҳарбийларининг 2006 йил баҳор ойларида олиб чиқиб кетилиши эҳтимоли мавжуд.***



Америка қўмондонлиги вакили Жорж Кейси шу ҳақда маълум қилди. Унинг баёнотига кўра, Ироқ кучлари айни дамда маълум миқдорда хавфсизликни мустақил ҳимоя қилишга эришган. Агар жараён шу тарзда борса, АҚШ ҳарбийлари келаси йили ушбу давлатни тарк этиши мумкин. Ироқда бугунги кунда 135 минг америкалик ҳарбийлар ҳаракат олиб бораётган бўлса, 170 мингга яқин ироқлик хавфсизлик ходимлари жанговар тайёргарликдан ўтмоқда.

## Жинояти учун мукофот

***Ўзини ҳимоя қилиш мақсадида зўравонни ўлдириб қўйган 30 ёшли москвалик аёл тақдирланди.***



2003 йил 8 ноябрда Александра Иванникова исмли аёл уни зўрламоқчи бўлган бир эркакни ҳимоя вақтида ўлдириб қўйган эди. Суд ҳукми билан икки йиллик жазо муддатини ўтаб чиққан Александрани ноқонуний иммиграцияга қарши ҳаракати "Москвани бир зўравондан тозалаганлиги учун" 50 минг рубл билан тақдирлади. Ҳаракат координатори Александр Белов сўзига кўра, Александра каби аёлларни жазолаш эмас, тақдирлаш лозимдир.

## Гумон қилинаётган таҳдид

***Расмий тан олинмаган Абхазия ва Жанубий Осетия республикаси Грузияга қарши бирлашмоқчи.***



Шу кунларда Цхинвалида Абхазия ва Жанубий Осетия республикаси президентлари Сергей Багапш ҳамда Эдуард Кокойти учрашуви бўлиб ўтиши режалаштирилган. Ушбу учрашувда ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига доир ҳужжатларга имзо чекилади. Бундан авварроқ бу икки давлат раҳбарлари Цхинвали ва Сухумига Грузиянинг таҳдид қилиш таҳмини мавжудлигини таъкидлаб ўтишган эди. Шунингдек, 15 августда Абхазияда Жанубий Осетия ҳамкорлигида беш кунлик ҳарбий ўқув машғулотлари ўтказишга келишилган.

## Ҳоли-жонига қўйишмаяпти

***Украиналик 200 га яқин журналистлар мамлакат президентининг "Украина ҳақиқати" интернет-газетаси журналистидан ошкора узр сўрашини талаб этишмоқда.***



Бир неча кун аввал президент Ющенко журналист Сергей Лешенкони "матбуот озодлиги хизматчиси эмас, киллер" дея атаган эди. Бунга журналистнинг президент ўғли Андрей ҳақида ёзган мақоласи сабаб бўлганди. Мақолада Андрейнинг 150 минг долларлик машинада юриши ва ресторанлардан минг долларлик шампан виноси харид қилиши ёзилган. Ющенконинг билдиришича, Андрей машинани ижарага олиб минади. Харажатларни эса отасининг ҳисобидан эмас, балки ўзи ишлаб топади.

## Қарашлар ҳамон турлича

***Пекинда Шимолий Корея ядровий дастурлари борасида олтитомонлама келишув учрашувлари давом этмоқда.***



Шимолий Корея агар АҚШ ҳукумати Пхеньянга бўлган қарашларини ўзгартирса, ядровий қуроллардан воз кечишини ваъда қилмоқда. Шунингдек, Пхеньян расмийлари Жанубий Кореядаги ядровий қуролларнинг йўқ қилинишини талаб этди.

Россия Федерацияси делегациясининг бошлиғи Александр Алексеевнинг фикрига кўра, АҚШ ва Шимолий Корея ўртасидаги турли хил қарашлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

УГОЛЬ бпк 13,0 ▲ + 0,1 | ЦЕМЕНТ (Охангарон) 61,1 ▲ + 0,6 | АРМАТУРА 386,5 ▼ - 6,3 | СУПЕРФОСФАТ не выставлено | АММОФОС не выставлено | Символы цен: ▲ + Увеличилась; ▼ - Снизилась; ± не изменилась; +0,0 на сколько сум | Сум/кг | Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ

